№ 8 (397) ● 2013 йил 26 февраль

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 25 февраль, 8-сон, 99-модда)*

2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан мамлакатда халқнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, фаровонлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш вазифаларини амалга оширишга ресурслар ва имкониятларни сафарбар қилиш, давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида:

1. «Обод турмуш йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин, қуйидагилар уни амалга оширишнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

а) мамлакатда барқарорлик ва хавфсизликни, фуқаролар тотувлигини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатлари муҳофазасини таъминлаш;

б) аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, иш билан бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни янада ривожлантириш, аҳолини, биринчи навбатда, унинг ижтимоий ночор қатламларини ва кам таъминланган оилаларни давлат томонидан аниқ манзилли муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;

в) аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, касалликлар профилактикасини кенгайтириш ҳамда уларни даволашнинг илғор тиббий технологиялари ва методларини жорий этиш, пировард натижада – одамларнинг, айниқса болалар ва оналарнинг соғлиғини мустаҳкамлаш;

г) жисмоний ва маънавий соғлом, уйғун камол топган ўсиб келаётган авлодни, профессионал, замонавий даражада тайёрланган кадрларни тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ҳар томонлама ошириш, таълим савиясини янада такомиллаштириш ва сифатини юксалтириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

д) халқнинг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, янги уй-жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик сув, электр энергияси ва иссиқлик билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

е) маҳалла институтини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, ёш ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам беришни яхшилаш, маҳаллалар ва уй-жой мавзеларининг ташқи қиёфасини сифат жиҳатидан яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш вазифаларини ҳал этишда уларнинг роли ва аҳамиятини ошириш;

ж) оилаларни янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги роли ва мақомини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда аёлларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидорини намоён қилиши ва уй-рўзғордаги ишларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 декабрдаги Ф-3940-сон фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссиясига «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

3. «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) қуйидагиларни таъминласин:

бир ҳафта муддатда – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳудудларнинг ҳокимлари бошчилигида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар тузиш, уларга Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз, тўлиқ қўламда ва ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан шахсий масъулиятни юклаш;

икки ҳафта муддатда – вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, ҳудуд, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича «Обод турмуш йили» ҳудудий ҳамда тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар даражасида тасдиқланган Давлат дастурига киритилган йўналишлар ва тадбирларни тўлиқ ва ўз вақтида бажариш ишларини мувофиқлаштириш, уларнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатиш;

ҳар чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастури тадбирларининг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиш.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари:

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мақсади ва вазифаларини, уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва чора-тадбирларини аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг ёритилишини;

кенг жамоатчиликнинг Давлат дастури бажарилиши тўғрисида доимий хабардор бўлишини, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишдаги аниқ ҳиссаси ёритилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2013 йил 14 февраль*
*ПК-1920-сон.*

### Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

***Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.***

### МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИНГ

**Президентнинг 29.01.2013 йилдаги ПҚ-1913-сон қарори билан ноқонуний олиб кирилган ва қалбакилаштирилган товарларни сотишга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистонга товарлар импортини тартибга солиш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.** Ҳужжат билан импорт бўйича олиб кирилаётган истеъмол товарлари рўйхати ва номенклатурасини танқидий кўриб чиқиб, маҳаллий товарларни ишлаб чиқариш кўламларини кенгайтириш муносабати билан уларни олиб кириш ҳажмини кескин қисқартиш бўйича 1 мартгача Ҳукуматга таклифлар киритиш назарда тутилган. ДБҚ, ДСҚ ҳамда бошқа идораларга махсус назорат идентификация белгилари қўйилган товарлар рўйхатини қўшимча равишда кенгайтириш бўйича таклифлар киритиш топширилди.

Тадбиркорлар шунга ҳам эътибор беришлари керакки, 2013 йил 1 июлдан бошлаб республикага олиб кириладиган озиқ-овқат товарлари, шахсий гигиена буюмлари ва бошқа истеъмол товарларида уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан қўйилган давлат тилидаги товар маркировкаси бўлиши шарт.

2013 йил 1 мартдан Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси, шунингдек ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркаларини ўтказиш доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ярмаркаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинди. Улар доирасида истеъмол товарларини харид қилиш қўшимча тендер савдоларини ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилади.

Қарорда мамлакатимизнинг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш корхоналарида ISO-9001 стандартларига мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш графикларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун 2013 йил 1 мартгача Вазирлар Маҳкамасига киритиш кўрсатилган.

### САМОЛЁТДА ЮРИШ-ТУРИШ ҚОИДАЛАРИ

**Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси бошлиғининг буйруғи *(АВ томонидан 29.01.2013 йилда 2416-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари тасдиқланди.**

Улар билан, хусусан, ҳаво кемаси ичида йўловчилар унинг командирининг ёки экипаж аъзосининг ҳаво кемаси командири номидан берган парвоз ва йўловчилар хавфсизлигини, мол-мулк бут сақланишини, ташиш шартномасини ижро этиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш тартиби ва имкониятини таъминлашга доир фармойишларини бажаришга **мажбур** эканлиги белгиланган.

Қоидаларда йўловчиларнинг учиш талонига (авиачиптага) мувофиқ жойлашишлари, тегишли табло ёқилиши билан хавфсизлик камарини тақишлари ва у ўчмагунча ечмасликлари шартлиги белгиланган. Олиб ўтилаётган юкларни салоннинг махсус ажратилган жойларига жойлаштириш лозим.

Ўз навбатида авиайўловчилар экипаж аъзоларидан ташиш шартномаси шартларида белгиланган хизматларнинг кўрсатилишини талаб қилишга, жамоат тартибини бузаётган, бошқа шахсларни безовта қилаётган, уларнинг мол-мулкига ёки соғлиғига таҳдид туғдираётган йўловчига таъсир кўрсатиш талаби билан мурожаат қилишга **ҳақлидирлар.**

Ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари йўловчи томонидан парвоз хавфсизлигига таҳдид туғди-

2-бетда

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

радиган ёхуд шахсларнинг ҳаётига ёки соғлиғига ва мол-мулкига таҳдид туғдирадиган тарзда бузилса, у билан тузилган ташиш шартномаси ташувчи томонидан ташиш йўналишининг исталган манзилида бекор қилиниши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 117-моддасига мувофиқ ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузиш жарима билан жазоланади. Чунончи, кема командири фармойишларини бажармаслик учун ЭКИҲнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда; ҳаво кемаси бортида туриб фотосуратга, кинога, видеога олиш, шунингдек радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш фото-киноплёнка ёки видеокассеталар мусодара қилиниб, ЭКИҲнинг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

## ДАСТЛАБ ДЕКЛАРАЦИЯЛАБ, ҲАҚИНИ ТЎЛАНГ

**Давлат божхона қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 30.01.2013 йилда 2418-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона худудига амалда олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки божхона декларациясини тақдим этиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.**

Чунончи, дастлабки божхона декларацияси *(кейинги ўринларда – ДБД деб юритилади)* чет эл товарлари **амалда олиб келиниши пайтигача** расмийлаштирилиб, кейинчалик улар **эркин муомалага чиқариш режимига** жойлаштирилади. У қуйидаги товарларга қўлланмайди:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилиниши тақиқланган;

лицензиялар бўйича импорт қилинадиган;

ваколатли органларнинг рухсатномаси талаб қилинадиган (мувофиқлик, гигиена, ветеринария сертификатлари ва импорт карантин рухсатномаси бундан мустасно).

Товарларнинг дастлабки божхона расмийлаштируви божхона постида 2 босқичда амалга оширилади.

**Биринчи босқичда** ҳужжатларнинг декларант томонидан тасдиқланган нусхалари ҳамда ушбу ҳужжатлардаги маълумотларнинг электрон кўриниши тақдим этилган ҳолда *(ҳужжатлар «Товарларни электрон декларациялаш» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда электрон кўринишда ҳам тақдим этилиши мумкин)* ДБД божхона юк декларацияси бланкларида (ёки электрон БЮД шаклида) расмийлаштирилади ва ДБДда «ПР» ҳарфли белги кўрсатилади. Бунда ДБДда кўрсатилган товарларнинг тўлиқ миқдори учун божхона тўловлари тўланади. Агарда ДБДни рўйхатга олган божхона постига ДБД рўйхатга олинган кундан бошлаб 30 календарь куни давомида товарлар тақдим этилмаса ёки ушбу муддат ичида товарларга нисбатан тақиқ ва чекловлар киритилса, бундай ҳолларда ДБД бекор қилинади.

**Иккинчи босқичда** келиб тушган товарлар божхона кўригидан ўтказилади. Товарлар божхона кўригига тақдим қилинишидан олдин божхона пости мансабдор шахси ҳужжатлар нусхаларида кўрсатилган маълумотларни асл ҳамда электрон ҳужжатлардаги маълумотлар билан солиштиради. Агарда маълумотларда номувофиқликлар мавжуд бўлса ёки керакли маълумотлар етишмаса, декларант томонидан ДБДга тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилади. Шундан кейин ДБДга тузатиш киритиш (қайта расмийлаштириш) товарларни божхона кўриги амалга оширилгунга қадар божхона пости томонидан бир иш куни мобайнида амалга оширилади. ДБДни бекор қилиш эса Божхона юк декларацияларига тузатиш киритиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга *(АВ томонидан 24.09.2010 йилда 2143-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* мувофиқ амалга оширилади. ДБД бекор қилинганда янги БЮД 15 кунлик муддат ичида тақдим этилиши шарт. Кўрикдан ўтказиш пайтида декларант талаб қилинаётган сертификатлар ва товарларга доир рухсатномаларни тақдим этади. Сўнгра ДБДнинг электрон нусхасига божхона кўриги далолатномаси, юкни етказиб бериш назорат китобчаси рақамлари, саналари ва товарлар келтирилган сана ҳақидаги маълумотлар киритилади, «ПР» белгиси «ИМ» белгиси билан алмаштирилади.

## СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИСИ УЧУН СТАНДАРТ

**Молия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 6.02.2013 йилда 2425-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Солиқ маслаҳати миллий стандарти (3-сонли СММС) «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ текширувлари ўтказиш вақтида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби» тасдиқланди.** Мазкур стандарт бир марталик (бирйўла) хизматни кўрсатиш шартномалари бўйича солиқ маслаҳатчилари ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматларга татбиқ этилмайди. Бироқ унинг талаблари барча солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан қўлланилиши мажбурийдир.

Солиқ текширувлари ўтказиш вақтида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар шартнома асосида кўрсатилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

текширув вақтида вужудга келаётган аниқ кўрсатилган саволлар бўйича хулоса бериш, ушбу саволлар бўйича мижознинг (ишонч билдирувчининг) давлат солиқ хизмати органлари олдидаги нуқтаи назарини тасдиқловчи ҳужжатларни (исботларни) тақдим этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

солиқ текшируви доирасида амалга ошираётган ҳаракатларни кузатиб бориш (солиқ тўловчининг ҳудуди ва жойларини кўздан кечириш, мол-мулкини инвентаризация қилиш, ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш ва бошқалар) ҳамда ўтказилаётган ҳаракатлар қонунийлиги тўғрисида мижозга (ишонч билдирувчига) хулоса тақдим этиш;

солиқ текшируви натижаларини (солиқ текшируви далолатномасини) муҳокама қилишда давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари олдида мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини ифода этиш.

3-сонли СММС солиқ маслаҳатчилари ва уларнинг ташкилотлари солиқ текширувида қатнашишига доир бошқа масалаларни ҳам тартибга солади.

## ҲИСОБРАҚАМ ОЧМАГАНЛИГИ УЧУН БАНККА 2,7–5,4 МЛН СЎМ ЖАРИМА СОЛИНАДИ

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 8.02.2013 йилда 1044-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан тижорат банкларига жазо жарималарининг миқдорлари камайтирилди.**

Эндиликда барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин банклар ҳисобрақамлар очишни асоссиз равишда кечиктирганда ёки уни очишни рад этганда, шунингдек бунда ортиқча ҳужжатлар сўраганда банкка нисбатан унинг устав капитали энг кам миқдорининг 0,02%ига *(илгари у 0,05%ни ташкил этарди)* тенг миқдорда жарима қўлланади. Мижозларнинг ҳисобрақамларига маблағларни ўтказиш ва уларни ҳисобдан чиқариш тартибини бузганда банк энг кам устав фондининг 0,01%и *(илгари 0,1%и эди)* миқдорида жаримага тортилади. Шуни ҳисобга олиш лозимки, тижорат банклари учун устав фондининг энг кам миқдори сўм эквивалентида 10 млн евро, хусусий банклар учун эса 5 млн евро этиб белгиланган.

Тижорат банкларининг ўзлари йўл қўйган қонунбузарликларга доир даъволар ва чиқарилган суд қарорлари ҳақидаги ахборотни Марказий банкка ҳар ойда мажбурий тақдим этиши талаби бекор қилинди.

Ушбу ўзгартиришлар ҳисобрақамлар очиш, мижозлар ҳисобрақамларидан маблағларни ўтказиш ва кўчириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига жазо жарималарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга *(АВ томонидан 30.06.2001 йилда 1044-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* киритилди.

***Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристларимиз Елена ЕРМОХИНА, Римма СОЛОДОВНИКОВА ва Сардор ЖУМАШОВ тайёрладилар.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 25.02.2013 | 1 | 0,7847 | 1 | 1,0351 | 1 | 0,0258 |
| Арманистон | 22.02.2013 | 1 | 407,49 | 1 | 538,25 | 1 | 13,41 |
| Беларусь | 25.02.2013 | 1 | 8570,00 | 1 | 11330,00 | 1 | 282,50 |
| Грузия | 25.02.2013 | 1 | 1,6563 | 1 | 2,1871 | 100 | 5,4556 |
| Қозоғистон | 25.02.2013 | 1 | 150,23 | 1 | 198,87 | 1 | 4,95 |
| Қирғизистон | 25.02.2013 | 1 | 47,6366 | 1 | 62,9827 | 1 | 1,5691 |
| Латвия | 26.02.2013 | 1 | 0,532000 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,017500 |
| Литва | 25.02.2013 | 1 | 2,6135 | 1 | 3,4528 | 1 | 0,086041 |
| Молдова | 25.02.2013 | 1 | 12,1652 | 1 | 16,0203 | 1 | 0,3999 |
| Россия | 23.02.2013 | 1 | 30,3596 | 1 | 40,1111 | – | – |
| Тожикистон | 25.02.2013 | 1 | 4,7543 | 1 | 6,2627 | 1 | 0,1577 |
| Украина | 25.02.2013 | 100 | 799,3000 | 100 | 1053,9570 | 10 | 2,6328 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 26 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2076,00 | 1 Малайзия ринггити | 651,38 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3056,29 | 1 Польша злотийси | 639,91 |
| 1 Дания кронаси | 357,28 | 1 СДР | 3064,41 |
| 1 БАА дирҳами | 550,37 | 1 Туркия лираси | 1123,65 |
| 1 АҚШ доллари | 2021,22 | 1 Швейцария франки | 2170,09 |
| 1 Миср фунти | 300,18 | 1 ЕВРО | 2693,07 |
| 1 Исландия кронаси | 15,94 | 10 Жанубий Корея вони | 18,58 |
| 1 Канада доллари | 1974,43 | 10 Япония иенаси | 214,73 |
| 1 Хитой юани | 324,25 | 1 Россия рубли | 66,58 |
| | | 1 Украина гривнаси | 252,87 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган*

ЎШБУ СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР
– ЎзР Президентининг «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори *1-бет*
✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси *1-2-бетлар*
✓ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ
– Менинг хизматим – бозорни ўрганиш
– Ҳужжат топширганингизни тасдиқлашни унутманг
– Рекламанинг рекламадан фарқи бор
– Хўжалик суди ёрдам беради *3-4-бетлар*
✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
– Ходим орамиздан кетса...
– Касаба уюшмаси қўмитасининг раиси айбдор бўладими?
– Юрисконсульт учун регламентлар
– Хўжалик ҳисобидаги унитар корхонада ўриндошлик ва қўшимча тўловлар тўғрисида
– Кечикиш ҳуқуқбузарлик ҳисобланади *5-6-бетлар*
✓ НАЗОРАТ
– 2013 йил март ойида назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш режа-жадвали *7-8-бетлар*

# МЕНИНГ ХИЗМАТИМ – БОЗОРНИ ЎРГАНИШ

***Масъулияти чекланган жамият (кичик корхона) дори воситалари ва тиббий буюмларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланади. МЧЖ унинг маҳсулотини Ўзбекистон бозорига олиб кириш мақсадида хорижий фармацевтик компания билан шартнома тузди, унинг талаб-қоидаларига қуйидагилар киради:***

***бозорнинг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;***

***соғлиқни сақлаш соҳасида ишлаётган мутахассислар ўртасида сўровлар ўтказиш;***

***хорижий компаниянинг маҳсулотини сотиш сиёсатини ишлаб чиқиш;***

***реклама-ахборот материалларини (буклетлар ва бошқалар) ишлаб чиқиш, уларда макет оригиналларини ишлаб чиқишга буюртмаларни жойлаштириш ва уларни тайёрлаш, бўлғуси харидорлар ўртасида тарқатиш билан шуғулланадиган ташкилотларни танлашни амалга ошириш;***

***Соғлиқни сақлаш вазирлигида реклама маҳсулоти, шунингдек реклама материалларини келишиб, кейинчалик уларни оммавий ахборот воситаларида (телевидение, радио, босма нашрларда) жойлаштириш;***

***хорижий фармацевтик компания маҳсулотининг хоссалари тўғрисида хабардор қилиш мақсадида соғлиқни сақлаш ходимлари учун семинарлар ва конференцияларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш.***

***Юқорида кўрсатилган ишни штатдаги маркетологлар ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар асосида жалб этилган айрим етакчи мутахассислари олиб борадилар (ушбу мутахассислар фақат ташкил этилган семинарлар ва конференцияларда маъруза ўқиш учун жалб этиладилар).***

***МЧЖ хизматлари учун ҳақни хорижий компания ҳар чоракда уларни кўрсатиш натижаларига қараб ЭАВда амалга оширади. Сумма контрактда кўрсатилган ҳисобот даврида бажарилган бутун ҳажм учун белгиланади.***

***Юқорида кўрсатилган хизматлар МЧЖ ўз кучи билан кўрсатадиган хизматлар тоифасига кирадими ва МЧЖ валюта тушумининг 50%ини мажбурий сотишдан озод қилиш тарздаги имтиёздан фойдаланишга ҳақлими?***

**МЧЖ директори.**

– Мазкур ҳолда Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидалари[1] *(бундан кейин – Қоидалар)* 5-бандининг бешинчи хатбошисига кўра қуйидагилар «ўзи ишлаб чиқарган товарлар» тоифасига киради:

маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

сўровлар ўтказиш;

сотиш сиёсатини ишлаб чиқиш;

бўлғуси харидорлар ўртасида МЧЖ вакиллари томонидан реклама-ахборот материалларини тарқатиш;

реклама маҳсулотини ва реклама материалларини Соғлиқни сақлаш вазирлигида келишиш;

семинарлар ва конференцияларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш.

Рекламанинг макет оригиналларини тайёрлаш ва уларни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш МЧЖ ўз ишлаб чиқаришининг хизматлари деб ҳисобланмайди, чунки уларни МЧЖ эмас, балки бошқа ташкилотлар унинг буюртмаси бўйича амалга оширадилар.

Солиқ кодекси 22-моддасининг ўн биринчи хатбошиси ва «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонун *(26.05.2000 йилдаги 77-II-сон Қонун билан тасдиқланган таҳрирда)* 11-моддасининг бешинчи қисмига кўра хизматларни экспорт қилиш – хизматлар кўрсатиш жойидан қатъи назар Ўзбекистоннинг юридик шахси томонидан чет давлатнинг юридик шахси учун хизматлар кўрсатиш ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби[2] *(бундан кейин – Тартиб)* 3-бандининг «е» кичик бандига мувофиқ **кичик корхоналар ўзлари кўрсатган хизматларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилинадилар.**

На Тартиб, на Қоидалар шартноманинг ягона предмети доирасида бажариладиган айрим ҳаракатларни, ўз кучи билан кўрсатилган хизматлар ҳажмини ва ундаги тушумга тўғри келадиган қисм ҳисоб-китоби қоидаларини белгилаш учун «ажратишга» доир талабларни тартибга солмайди. Шу муносабат билан, фикримизча, МЧЖ ўз кучи билан кўрсатадиган хизматлар устунлиги туфайли, шунингдек «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун[3] *(24.12.2012 йилдаги ЎРҚ-342-сон Қонун билан тасдиқланган таҳрирда)* 24-моддасининг биринчи қисми ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг[4] *(2.05.2012 йилдаги ЎРҚ-328-сон Қонун билан тасдиқланган таҳрирда)* 11-моддасига асосан Тартибнинг 3-банди «е» кичик банди билан белгиланган имтиёзни қўллашни талаб қилишга ҳақлидир.

***Артём МОКШИН,***
***«Norma» эксперт юридик хизматининг раҳбари.***

*[1]МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 16.02.2011 йилда 2195-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

*[2]ВМнинг 29.06.2000 йилдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган.*

*[3]«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади».*

*[4]«Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади».*

Реклама

NORMA «КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»
ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч. 1/1, 6-қават.
Тел. (998 71) 283-23-74. E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

# ҲУЖЖАТ ТОПШИРГАНИНГИЗНИ ТАСДИҚЛАШНИ УНУТМАНГ

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 10.08.2012 йилдаги ажрими билан корхонамизга қарзни тўлашни 2013 йил 1 январгача кечиктириш имконияти берилди. Биз уни суд ижрочисига кузатув хатисиз топширдик. Ҳозирда суд ижрочиси суд қарорининг бажарилмаганлиги учун жарима солиш билан таҳдид қилиб, унда суднинг ажрими йўқлигини рўкач қиляпти. Унинг талаблари тўғрими?***

– «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг *(29.08.2001 йилдаги 258-II-сон)* 32-моддасига мувофиқ ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган объектив ҳолатлар бўлган тақдирда, суд ижрочиси ўз ташаббуси билан ёхуд тарафлардан бирининг аризасига кўра, шунингдек тарафларнинг ҳар бири мустақил тарзда ижрони кечиктириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Уни олган тақдирда ижро ҳаракатларини олиб боришга суд билан белгиланган муддат мобайнида йўл қўйилмайди.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари суд ажримини бериш шакли ва уни албатта хат билан топширишни назарда тутмайди. Шу сабабли сиз суд ижрочисига суднинг муддатни кечиктириш тўғрисидаги ажрими топширилганини исботлашингиз зарур. Ушбу ҳолда суд ижрочисининг корхона мансабдор шахси (раҳбари)ни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198[1]-моддасига кўра қарздор томонидан ижро ҳужжати узрли сабабларсиз бажарилмаганлиги учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаби асоссиз бўлади.

***Таҳририятдан.*** *– Келгусида бундай ҳолларда эҳтиёткор бўлишни тавсия қиламиз: хатлар, ҳужжатларни топшираётганда уларнинг олувчи имзо қўйган ва улар топширилган сана кўрсатилган нусхаларини олиб қолинг.*

***Павел СИЛЬНОВ, адвокат.***

***Бизнинг жамоат фондимиз болалар учун фойдали дам олишни ташкил қилиш билан шуғулланади. Маблағларни устав мақсадлари ва вазифаларига жалб этиш учун биз тадбирларимиз рекламасини ОАВда чоп этамиз. Унга сарфланган маблағлар фонднинг маъмурий харажатларига киритиладими?***

**Директор.**

# РЕКЛАМАНИНГ РЕКЛАМАДАН ФАРҚИ БОР

– «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонун *(29.08.2003 йилдаги 527-II-сон)* 24-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига кўра фонднинг маъмурий харажатлари фонд томонидан ҳисобот даврида фондни бошқариш учун қилинган барча харажатлари ва **биринчи навбатда унинг активларини асраш ҳамда сақлаб туриш учун зарур харажатларни, фонднинг ўз уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун рекламага сарфлаган харажатларини,** шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ фонд фаолияти билан боғлиқ харажатларни ва тўловларни ўз ичига олади.

Ҳар йилги маъмурий харажатлар, шунингдек фонднинг васийлик кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш **фонд барча харажатлари суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.** Мазкур чеклов ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан қўлланилмайди.

Шу тариқа, фонднинг активларини асраш ҳамда сақлаб туриш билан, шунингдек **уставдаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун реклама қилиш** билан боғлиқ харажатлар маъмурий харажатлар таркибига киради. Бироқ агар сиз жамоатчиликни ўзингизнинг аниқ лойиҳаларингиз, уларга ташриф буюрувчилар келишини ошириш учун ўтказиладиган тадбирлар ёки ўтказиладиган лойиҳалар тўғрисида жамоатчилик олдида ҳисобот бериш йўли билан ННТ фаолиятининг очиқ-ошкорлиги принципига риоя этилиши тўғрисида ОАВда хабардор қилсангиз ва буни молиявий ёрдам жалб этиш учун қилмасангиз, бундай харажатлар тадбирларни ўтказиш харажатларига киритилиши керак ва улар маъмурий харажатлар таркибига киритилмайди.

***Алексей НИЯЗМЕТОВ, юрист.***

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
№ 8 (397) • 2013 йил 26 февраль

# ХЎЖАЛИК СУДИ ЁРДАМ БЕРАДИ...



## ...ҚАРЗДОРДАН УНДИРИШДА

***Ўтган йилнинг февралида биз трикотаж полотносини тайёрлашга шартнома туздик. Харидор бизга олдиндан ҳақни ўтказди. Биз унга маҳсулот етказиб бердик. Бироқ ҳозиргача якуний ҳисоб-китоб қилинмаган. У ўзининг қарзини тан олиб, ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномасини имзолади. Биздаги маълумотларга қараганда, ҳозир харидор ўзининг мол-мулкини сотишга ҳаракат қиляпти. Биз хўжалик судига мурожаат қилиш учун ҳужжатларни йиғяпмиз. Суд томонидан қарор қабул қилинишига қадар қарздорнинг мол-мулкини хатлаш мумкинми ва бу қандай қилинади?***

***Ё.Самиев, фирма раҳбари.***

– Ҳа, бундай имконият Хўжалик процессуал кодекси *(ХПК)*нинг 7-бобида назарда тутилади. Чунончи, хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра даъвони таъминлаш чораларини кўришга ҳақли. Улардан бири жавобгарга тегишли бўлган мол-мулк ёки пул маблағларини хатлаб қўйиш ҳисобланади *(ХПК 77-моддаси биринчи қисмининг 1-банди)*.

Даъвони таъминлашга, агар бундай чораларни кўрмаслик суд ҳужжати ижросини қийинлаштирса ёки бажариб бўлмайдиган қилса, хўжалик суди иш юритишнинг исталган босқичида йўл қўйилади. Шуни таъкидлаш лозимки, **даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани хўжалик судига даъво аризаси билан бирга бериш мумкин.** Бунда, ХПК 122-моддаси биринчи қисмининг 11-бандига кўра, **ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья даъво аризаси келиб тушган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай даъвони таъминлаш чораларини амалга оширади.**

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани низони ҳал қиладиган хўжалик суди у келиб тушган кундан кейинги кундан кечиктирмай кўриб чиқади *(ХПКнинг 76-моддаси)*. Уни кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим хўжалик суди қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда **дарҳол** ижро этилади. Суднинг даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримини олгач, сиз қарздор рўйхатдан ўтказилган жойдаги Суд қарорларини ижро этиш департаментининг суд ижрочилари бўлимига мурожаат қилишингиз керак.

## ...ЎЗ МУЛКИНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШДА

***3 йил аввал хўжалик суди бизнинг МЧЖдан етказиб бериш шартномаси бўйича қарзни ундириш тўғрисида қарор қабул қилди. Уни қабул қилиш учун шартномага қўшимча битим асос бўлди, у билан етказиб бериш қиймати кўпайтирилган. Кўпайтирилган қийматни биз тўламадик. 2012 йил декабрида апелляция инстанцияси ушбу қўшимча битимни ҳақиқий эмас деб топди. Айтиб берсангиз, бундан кейин нима қилишимиз керак. Уч йил ўтгандан кейин суднинг қарори устидан шикоят қилса бўладими?***

***Д.Камолов, Б.Файзуллин, Г.Мисрапян.***

– Сизга ушбу қарорни қабул қилган хўжалик судига қонуний кучга кирган қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш тўғрисида ариза *(бундан кейин – ариза)* билан мурожаат қилишни тавсия этамиз. Ушбу ҳуқуқ сизда Хўжалик процессуал кодекси *(ХПК)* 204-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига асосан юзага келади. Сиз келтирган вазиятда етказиб бериш шартномасига қўшимча битимни ҳақиқий эмас деб топиш аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолат ҳисобланади.

Аризани тайёрлаш ва бериш чоғида бир қатор талабларни ҳисобга олиш керак. У хўжалик судига фақат ХПКнинг 34-моддасида кўрсатилган ишда иштирок этувчи шахслар томонидан берилиши мумкин. Ариза хўжалик судига қарорни қайта кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳолатлар очилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай берилади. Уларнинг очилган куни бўлиб ўз мазмунига кўра қарор асосланган мазмунга қарама-қарши бўлган суднинг қарори қонуний кучга кирган кун; ёки аризачига суднинг қарори қонуний кучга кирганлиги маълум бўлган ёки маълум бўлиши мумкин бўлган кун ҳисобланиши керак.

Аризага унинг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Уни берганлик учун фақат почта харажатлари тўланади *(ОХС Пленумининг 25.07.2003 йилдаги 111-сон қарори)*. Очилиши билан қарор қайта кўриб чиқиладиган ҳолатлар муҳим, яъни қарор қабул қилаётганда хўжалик судининг хусусиятларига таъсир қила оладиган бўлиши керак.

ХПКнинг 207-моддасига мувофиқ хўжалик суди аризани у келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида кўради. Аризани кўриб, у аризани қаноатлантиради ёки қаноатлантиришни рад этиб, бу ҳақда ажрим чиқаради *(ХПКнинг 208-моддаси)*. Аризани қаноатлантириш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилинмайди ва у дарҳол қонуний кучга киради. Аризани рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан умумий асосларда апелляция ёки кассация инстанцияларига шикоят қилиш мумкин.

Шуни эътиборда тутиш лозимки, ишингиз бўйича қарор бекор қилинган тақдирда у хўжалик суди томонидан биринчи инстанция учун белгиланган қоидалар бўйича кўриб чиқилади.

***Павел СИЛЬНОВ, адвокат.***

## ...ДАВЛАТ БОЖИНИ ТЎЛАШНИ КЕЧИКТИРИШДА

***Тадбиркорлик фаолияти хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ва давлат органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишларини тақозо этади. Ўзаро ҳамкорлик пайтида низолар ва ихтилофлар юз бериши муқаррар, зеро тарафларнинг қарашлари, тушунча ва манфаатлари муайян ҳолларда фарқланади. Кўп вазиятлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.***

***Бироқ мазкур низоларни ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда хўжалик судига мурожаат қилиш зарурати туғилади. Аммо, афсуски, кўпгина тадбиркорлик субъектлари ушбу имкониятдан ўзларининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш учун фойдаланмайдилар. Бунинг бир нечта сабаби ҳам бор.***

**Биринчидан,** кўп субъектлар, аввало кичик ва хусусий бизнес вакиллари штатда юристга эга эмаслар. Шу боис уларнинг шартномалари тузилгунга қадар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширилмайди ва судга мурожаат қилиш зарурати туғилганда бу ҳол адвокат (юрист) хизматларига қўшимча харажатлар қилишни талаб этади.

**Иккинчидан,** давлат божи ва бошқа суд чиқимларини тўлаш зарурати. Баъзан харажатларнинг умумий суммаси (адвокатнинг хизматлари + суд харажатлари) даъвонинг ўз қийматидан ошиб кетади ва, албатта, судга мурожаат қилиш зарурлиги борасида иккиланишлар юзага келади.

Республиканинг қонунчилиги қонун билан белгиланган ҳолларда давлат божини тўлашдан озод қилиш, унинг муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашни назарда тутади. Бироқ буни барча тадбиркорлар билади деб бўлмайди.

Давлат божини **тўлашдан озод қилиш** ишнинг якунидан қатъи назар – унинг даъво талаблари қаноатлантирилиши ёки улар рад этилишига қарамай – тараф бож тўламаслигини билдиради.

**Муддатни кечиктириш** тараф давлат божини тўлашдан муайян воқеа бошлангунга қадар (масалан, суд томонидан қарор қабул қилингунгача) озод қилинишини билдиради. Айтиш мумкинки, муддатни кечиктириш – суд томонидан белгиланган пайтгача уни тўлашдан вақтинча озод қилиш демакдир, мазкур пайт келгач, тараф суд белгилаган давлат божи миқдорини иш якунига боғлиқ ҳолда тўлаш мажбуриятини олади.

**Бўлиб-бўлиб тўлашда** давлат божи қисмларга бўлиб тўланади.

Солиқ кодексининг 330-моддасига кўра қуйидагилар давлат божини тўлашдан озод қилинган:

**қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар** – тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича;

**тадбиркорлик субъектлари** – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

**аризачи ва жавобгар** – қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) ўз устав фондини (устав капиталини) шакллантирмаган корхоналарни тугатишга доир ишлар бўйича;

**ундирувчи** – қонунда назарда тутилган тақдирда, қарздорнинг ёки унинг мол-мулкини қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

**юридик ва жисмоний шахслар** – суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлари бўйича.

Бундан ташқари, қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги, даъвони таъминлаш тўғрисидаги, суд ҳужжатини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги, қўшимча қарор тўғрисидаги, қарорни тушунтириш тўғрисидаги, қарор ижросини кечиктириш ва бўлиб-бўлиб бажариш тўғрисидаги, ижро варақасини ижрога тиклаш тўғрисидаги аризалар ҳамда шу каби аризалар учун бож тўланмайди. Шунингдек хўжалик судининг иш бўйича иш юритишни тўхтатиши тўғрисидаги, даъвони таъминлашга доир чоралар кўрилиши тўғрисидаги ажримлари, жиноят ишини қўзғатиш, маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги ва ҳоказо хусусий ажримлар учун бож тўланмайди.

Давлат божи тўланишини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш суднинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади. Хўжалик процессуал кодекси 91-моддасининг тўртинчи қисмида шундай дейилади: «Алоҳида ҳолларда суд даъвогарнинг аризасига кўра унинг мулкий аҳволига қараб, давлат божини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат беришга ҳақли». Бироқ суд томонидан давлат божи тўланишини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш учун асос бўладиган ҳолларнинг аниқ рўйхати қонун ҳужжатларида мавжуд эмас.

Бундай имкониятга эга бўлиш учун даъвогар хўжалик судига давлат божи тўланишини кечиктириши ёки бўлиб-бўлиб тўлаши тўғрисида илтимоснома бериши керак. Унда тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши сўралган асослар келтирилиб, зарур ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Илтимоснома даъво аризасида ёки шикоятда, шунингдек унга алоҳида илова қилинадиган аризада баён этилиши мумкин. Даъво аризасисиз (шикоятсиз) берилган илтимосномани суд кўриб чиқмайди.

Унга илова қилинадиган ҳужжатлар аризачининг мулкий аҳволи унга даъво (шикоят) бериш чоғида белгиланган давлат божини тўлаш имконини бермаслигидан гувоҳлик бериши керак. Қуйидагилар тарафнинг мулкий аҳволини белгилайдиган ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади:

ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларнинг солиқ органи томонидан тасдиқланган рўйхати, улар очилган банкларнинг номлари ва манзиллари (шу жумладан юридик шахс филиаллари ва ваколатхоналарининг ҳисобварақлари);

давлат божи тўланиши учун зарур бўлган пул маблағларининг уларда йўқлиги, шунингдек ҳисобварақ (ҳисобварақлар) эгасининг ижро варақлари ва тўлов ҳужжатлари бўйича қарзининг умумий суммаси тўғрисидаги банк томонидан тасдиқланган маълумотлар.

Давлат божи тўланишини кечиктириш имконияти шунингдек баъзи бир амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган. Чунончи, Президентнинг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони *(5.01.1995 йилдаги ПФ-1030-сон)* билан хўжалик судларига хусусий корхона эгаларидан бож ҳақини олдиндан тўлаттирмай даъво аризаларини қабул қилишга рухсат берилган, кейинчалик унинг ҳақи суд қарори чиқарилгандан сўнг сўзсиз ундириб олинади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, бу ҳолда суд ҳужжатларига апелляция ва кассация шикоятлари ҳам олдиндан давлат божини тўлаттирмасдан қабул қилинади.

Шу тариқа, Президентнинг Фармони билан хусусий тадбиркорларга, уларнинг имкониятларини иқтисодий нуқтаи назардан чекламасдан, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини хўжалик судларида ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Уларга хўжалик судига мурожаат қилиш учун имтиёзларнинг берилиши корхоналар фаолиятининг ривожланиши ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

***Алишер УБАЙДУЛЛАЕВ,***
***«VICTORY YURCONSALT»***
***МЧЖ юрисконсульти.***

# ХОДИМ ОРАМИЗДАН КЕТСА...

***Ходим вафот этганда у ишлаган ташкилот марҳум билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқариши керакми ва олинмаган иш ҳақи ҳамда унинг меҳнат дафтарчасини кимга бериш лозим?***

– Меҳнат шартномасини ходимнинг вафоти муносабати билан бекор қилиш *(Меҳнат кодекси (МК) 106-моддасининг 5-банди)* раҳбарнинг тегишли буйруғи билан амалга оширилади, унда МКнинг тегишли банди ва моддаси кўрсатилган ҳолда бекор қилишнинг асоси кўрсатилади. Унинг нусхаси марҳумнинг яқин қариндошларига тилхат олган ҳолда топширилади.

**Ходимнинг вафот этган кунигача олинмаган иш ҳақи унинг оила аъзоларига, шунингдек меҳнатга қобилиятсизлиги туфайли вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган шахсларга берилади.**

**Вафот этган ходимнинг меҳнат дафтарчаси унинг яқин қариндошларига тилхат ёздириб олиш йўли билан топширилади ёки уларнинг талабларига кўра почта орқали жўнатилади.**

Унинг «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида ёзувнинг тартиб рақами ва санаси кўрсатилгандан сўнг 3-устунга «Меҳнат муносабатлари бекор қилинди» деб ёзилиб, 4-устунда эса буйруқнинг санаси ва тартиб рақами кўрсатилади. Ушбу ёзув белгиланган тартибда тасдиқланади[1].

Меъёрий ҳужжатларда марҳум оиласининг аниқ қайси аъзосига ходим вафот этган кунгача олинмаган унинг иш ҳақи, меҳнат дафтарчаси ва дафн этишга нафақа берилиши кераклиги кўрсатилмаганлиги сабабли амалиётда улар одатда корхона маъмуриятига ФҲДЁ органи томонидан берилган ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ва ўлим тўғрисидаги маълумотноманинг асл нусхаси, ўз паспортининг нусхаси ва марҳум билан қариндошлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ёки никоҳ гувоҳномаси, шунингдек тегишли аризаларни тақдим этган оила аъзосига берилади.

Бундан ташқари, агар оила аъзоси ёки ўз зиммасига марҳумни дафн этиш мажбуриятини олган шахс унинг учун нафақа олиш тўғрисида ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этса, ходимнинг асосий иш жойидан унга бундай нафақа тайинланиши керак. Нафақа олиш учун **ходим вафот этган кундан бошлаб кўпи билан 6 ой мобайнида** мурожаат қилиш мумкин. Дафн этишга нафақа **энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида** тўланади. Уни корхона кассири ариза берувчининг паспорти ва корхона бухгалтери томонидан расмийлаштирилган қайднома асосида **нақд пул билан** тўлайди[2].

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга[3] кўра бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари юридик шахсларнинг талабномалари бўйича дафн этишга нафақа тўловларини молиялаштирадилар.

Ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ҳолларда, иш берувчи зиммасига, дафн этишга нафақани тўлашдан ташқари, боқувчининг оиласига етказилган зарарни МКнинг 192–194-моддаларида белгиланган тартиб ва миқдорларда қоплаш мажбурияти юкланади.

***Ленара ХИКМАТОВА,***
***юрист.***

---

*[1]Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

*[2]Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 14.06.2011 йилдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган).*

*[3]МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 9.09.2011 йилда 2262-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

***Мен кадрлар бўйича инспектор бўлиб ишлайман ва касаба уюшмаси қўмитасининг ишдан озод этилмаган раиси этиб сайланганман. Юқори ташкилот томонидан яқинда ўтказилган текширув далолатномасида менинг асосий ва жамоат ишида йўл қўйган камчиликларим кўрсатилган. Мендан тушунтириш хати олишди.***

***Ҳозирда бунинг айбдорларини жазолаш тўғрисида буйруқ тайёрланяпти. Мени улар жумласига киритишлари мумкинми?***

**Б.Сулаймонов.**
**Тошкент шаҳри.**

# КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ АЙБДОР БЎЛАДИМИ?

– Эҳтимолдан холи эмас. Бироқ бунда иш берувчи қонун билан белгиланган талабларни бажариши керак. Чунончи, Меҳнат кодексида *(МК)* ходимларнинг вакиллик органлари аъзолари учун қўшимча меҳнат кафолатлари назарда тутилган. Масалан, МК 25-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга ёки уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин 2 йил давомида **маҳаллий меҳнат органининг (бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказининг) олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.**

Касаба уюшмаси органларига сайланган ва ишдан озод этилмаган ходимларга кафолатлар «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» Қонуннинг *(2.07.1992 йилдаги 638-II-сон)* 18 ва 20-моддаларида ҳам назарда тутилган.

Қонуннинг 18-моддасига кўра қуйидагиларга интизомий жазо берилиши мумкин эмас:

**ишлаб чиқаришдаги ишидан озод қилинмаган ҳолда** касаба уюшмалари идоралари таркибига сайланган **ходимлар шу идоранинг розилиги олинмасдан туриб;**

корхона бўлинмаларидаги касаба уюшмалари идораларининг раҳбарлари – тегишли касаба уюшмаси идорасининг розилиги олинмасдан туриб;

корхонадаги касаба уюшмаси идораларининг раҳбарлари, касаба уюшмаси ташкилотчилари – тегишли касаба уюшмаси бирлашмасининг розилиги олинмасдан туриб.

Кўриб турибмизки, ушбу меъёрлар МКнинг 25-моддасига зиддир.

Олий Мажлиснинг «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида» қарорида *(21.12.1995 йилдаги 162-I-сон)* назарда тутилишича, Меҳнат кодекси амалга киритилган кундан эътиборан, 1996 йил 1 апрелдан бошлаб меҳнат тўғрисидаги амалдаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг Кодексга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

Шу тариқа, МКнинг талабларини бажариб, иш берувчи сизни кадрлар бўйича инспекторнинг **меҳнат вазифаларини** лозим даражада бажармаганлик учун, содир этилган қилмишнинг оғирлиги ва у содир этилган ҳолатларга боғлиқ ҳолда, сизни жавобгарликка тортиши мумкин.

Сиз касаба уюшмаси қўмитасининг раиси сифатида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари сизга нисбатан касаба уюшмаси қўмитаси ёки касаба уюшмаси аъзолари йиғилишининг қарори билан қўлланиши мумкин.

***Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ,***
***эксперт-юристимиз.***

# ЮРИСКОНСУЛЬТ УЧУН РЕГЛАМЕНТЛАР

***Мен Ўзбекистон фуқаросиман, 2006 йилда ваколатхонаси республикамиз ҳудудида жойлашган Москва давлат сервис университетини тугалладим. Бироқ дипломнинг эквивалентлигини белгилаш таомилини ўтмаганман. 6 ойдан буён Чирчиқ шаҳрида жойлашган, ўз устав фондида давлат улуши бўлмаган хусусий микрокредит ташкилотида юрисконсульт ёрдамчиси бўлиб ишлайман. Яқинда менга юрисконсульт лавозимини эгаллашни таклиф қилишди. Бироқ Россия дипломи туфайли раҳбариятда иккиланиш пайдо бўлди. Нострификация таомилидан ўтмаган Россия дипломига эга бўлган мутахассис хусусий микрокредит ташкилотида юрисконсульт лавозимини эгаллаши қонунийми? Юрисконсульт ишини қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тартибга солади?***

– Агар хусусий микрокредит ташкилотининг ички меҳнат тартиботларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, **сиз у жойда юрисконсульт лавозимида ишлаш ҳуқуқига эгасиз.**

Эътиборингизни шунга қаратмоқчимизки, Ўзбекистон Республикасида хорижий мамлакатларда олинган маълумот тўғрисидаги дипломнинг эквивалент эканлигини белгилаш ёки унинг нострификациясини ўтказиш давлат органлари ва ташкилотларига, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган хўжалик бошқаруви органларига, шунингдек устав капиталидаги давлат улуши 50%дан ортиқ бўлган ташкилотларга ишга кириш ҳолларида мажбурий таомил ҳисобланади.

Бошқа ташкилотлар учун ишга қабул қилишда маълумот даражасига қўйиладиган бу талаб тавсия тусига эга *(ВМнинг 20.08.2010 йилдаги «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини тасдиқлаш тўғрисида» 181-сон қарори 2-банди).*

**Юридик хизматлар фаолиятини** Вазирлар Маҳкамасининг 24.08.2007 йилдаги 182-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисидаги ҳамда Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низомлар **тартибга солади.** Ушбу ҳужжатлар давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматларига қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун ушбу низомлар тавсиявий хусусиятга эгадир.

***Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ,***
***эксперт-юристимиз.***

Реклама

"AMIR-AUDIT" МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказади

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз
Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

Эълонлар

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР
Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ
Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ
Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, бизнес-режаларни қайта баҳолаш*.
Тел.: (+99898) 365-33-50, (+99871) 245-75-47.

ХИЗМАТЛАР
Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаймиз*.
Тел. (+998 91) 162-60-17.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Сизга матбуотда реклама ва torg.uz да бонуслар керакми? Нақд пул. Пул ўтказиш. Терминал.
Тел.: 232-16-95, 909-35-36.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 8 (397) ● 2013 йил 26 февраль

# ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ УНИТАР КОРХОНАДА ЎРИНДОШЛИК ВА ҚЎШИМЧА ТЎЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА

***«Геодезия ва картография миллий маркази» хўжалик ҳисобидаги давлат унитар корхонаси (ГКММ ДУК) Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига («Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси) бўйсунадиган ташкилот ҳисобланади.***

***Унинг фаолияти асосий турлари жумласига, бошқа турлардан ташқари, қуйидагилар киради:***

***геодезия, картография ва давлат кадастри соҳасида илмий-тадқиқот ишлари, шу жумладан тармоқни ривожлантириш концепциялари ва идоравий меъёрий-техник ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;***

***тармоқ мутахассисларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш.***

***Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган) 4-бандига кўра бир-бирига бўйсунувчи ёки бир-бирининг назоратидаги ташкилотларда таркибий бўлинмалар бошлиқлари ва давлат бошқаруви органлари мутахассисларининг ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланади.***

***Унинг иловаси – Ўриндошлик асосида ишлаш ҳисобланмайдиган ишлар рўйхатига кўра «илмий фаолиятни ёки ўқитувчилик фаолиятини амалга ошириш, агар бундай фаолият асосий иш жойи бўйича бажариладиган иш ҳисобланмаса», ўриндошлик бўйича иш ҳисобланмайди.***

***Кейинги ярим йил мобайнида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда қўллаш муносабати билан бизда бир қатор кадр масалаларида саволлар туғилди, уларга газетангиз экспертлари жавоб беришларини сўраймиз.***

**И.Эргашев,**
**Геодезия ва картография миллий маркази директори вазифасини вақтинча бажарувчи.**

***Тушунтириб берсангиз, юқори ташкилот – «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси штатида турувчи бўлим бошлиғи учун бўйсунувдаги ГКММ ДУКда ташкил этилган вақтинчалик ижодий жамоа таркибида ишлаш ўриндошлик бўйича иш бўлиб ҳисобланадими? Ушбу гуруҳ идоравий меъёрий-техник лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун илмий-тадқиқот иши билан шуғулланади. Унинг тармоқ мутахассислари малакасини ошириш курсларида дарс бериши ўриндошликни амалга ошириш ҳисобланадими?***



– Тартиб билан муҳокама қилайлик. Аввал юқори ташкилот бўлим бошлиғининг бўйсунувдаги корхонанинг вақтинчалик ижодий жамоаси таркибида ишлаши тўғрисида. Бўлим бошлиғи, башарти у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилса, бўйсунувдаги ташкилотда вақтинчалик ижодий жамоа аъзоси сифатида штатсиз ходим бўлиб ишлаши мумкин.

Меҳнат билан боғлиқ шартномаларга қуйидагиларни киритиш мумкин: пудрат шартномаси *(Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 631-моддаси)*; илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажариш шартномалари *(ФКнинг 693-моддаси)*; ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси *(ФКнинг 703-моддаси)*.

Вақтинчалик ижодий жамоада ишлаш шартномасини тайёрлашда унинг шартларини шундай аниқ баён этиш лозимки, токи улар ҳар хил талқин этиш имконини бермасин, балки шартнома белгиланган муддатда ишнинг аниқ ҳажмини бажариш учун тузилаётганини қатъий тарзда кўрсатсин. Унда ташкилот шартномада назарда тутилган ишни бажариш учун ижрочига (ходимга) тўлаш мажбуриятини оладиган суммани ҳам кўрсатиш керак.

Энди тармоқ мутахассислари малакасини ошириш курсларида дарс бериш тўғрисида.

Ҳа, юқори ташкилотнинг бўлим бошлиғи **у билан шуғуллана олади**, чунки илмий фаолиятни ёки ўқитувчилик фаолиятини амалга ошириш, агар бундай фаолият асосий иш жойи бўйича бажариладиган иш ҳисобланмаса, ўриндошлик бўйича ишлаш ҳисобланмайди. *(Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низомнинг 1-банди, ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган)*. Кўрсатилган Низомнинг 4-бандида белгиланган чеклашлар ўқитувчиликка нисбатан қўлланмайди, уни асосий иш вақтида ҳам, ундан ташқарида ҳам ишнинг хусусиятига боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин.

***Вазирлар Маҳкамасининг 28.12.2012 йилдаги 365-сон қарори 3-банди билан белгиланишича, илмий даражаси мавжудлиги учун лавозим маошларига қўшимча ҳақ ва бошқа устамалар 2013 йил 1 январдан бошлаб тўланмайди.***

***Геодезия ва картография миллий марказининг асосий фаолият турларидан бири бўлиб геодезия, картография ва давлат кадастри соҳасида илмий-тадқиқот ишлари ўтказиш ҳисобланади. Шу муносабат билан илмий даража меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги локал низом билан илмий даража ва унвонларга эга бўлган ходимларга қўшимча ҳақлар белгиланган.***

***Тушунтириб берсангиз, юқорида кўрсатилган қарор 3-бандининг амал қилиши хўжалик ҳисобидаги давлат унитар корхонасига татбиқ этиладими?***

– Ҳа, татбиқ этилади. **Илмий даражаси мавжудлиги учун лавозим маошларига қўшимча ҳақ ва бошқа устамалар 2013 йил 1 январдан бошлаб тўланмайди** *(ВМнинг 28.12.2012 йилдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 365-сон қарори 3-банди)*. Бу нарса бюджет ҳисобидан молиявий таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек **давлат корхоналаридаги** ходимларга ҳам таааллуқли, чунки ушбу ташкилотлар учун **меҳнатга ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси** қонун ҳужжатлари билан белгиланади *(Меҳнат кодекси 153-сон моддасининг учинчи қисми)*.

Шу сабабли 2013 йил 1 январдан бошлаб сиз ходимнинг лавозим маошига ушбу устама турини белгилай олмайсиз. Бироқ сиз ходимларнинг иш ҳақига бошқа устама ва қўшимча ҳақларини белгилаб, буни корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда жамоа шартномасида назарда тутишга ҳақлисиз *(МК 37-моддасининг учинчи қисми)*.

# ИШЛАБ БЕРМАСДАН КЕТИШ

***Ишдан бўшаётганда 2 ҳафта ишлаб бермаса бўладими?***

**У.Бекнозов, Тошкент шаҳри.**

– Мумкин, агар Меҳнат кодекси *(МК)* 97-моддасининг 1-банди ва 99-моддаси билан белгиланган меҳнат шартномасини бекор қилиш таомилига риоя этилса.

Шуни ёдда тутиш лозимки, агар ходимнинг ўз ташаббуси билан (ўз хоҳишига кўра) меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризасида **ишдан бўшатишнинг аниқ санаси кўрсатилмаган бўлса,** иш берувчи у билан меҳнат муносабатларини у ариза беришдан кейин икки ҳафта ўтмагунча бекор қилишга ҳақли эмас *(МКнинг 99-моддаси)*.

Агар ходим аризасида уни **бекор қилишнинг аниқ санаси кўрсатилган** ва иш берувчи бунга рози бўлиб, аризага «эътироз билдирмайман» деб ёзган бўлса, меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин *(МК 99-моддасининг иккинчи қисми)*.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини **аризада кўрсатилган муддатда бекор қилиши керак** *(МК 99-моддасининг бешинчи қисми)*.

Меҳнат муносабатларини ишлаб бермасдан бекор қилишнинг бошқа варианти – **меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра** бекор қилишни ҳам келтириш мумкин *(МК 97-моддасининг 1-банди)*. Мазкур асос ходим учун ҳам, иш берувчи учун ҳам мақбулроқдир. Улар меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги хабарномани бекор қилиш муддатларига риоя этмасалар бўлади. Ходим билан меҳнат муносабатлари мазкур асос бўйича ҳатто бундай битимга эришилган кунда бекор қилиниши мумкин. Ишдан бўшатишни ходим билан иш берувчи ўртасидаги ёзма битим билан расмийлаштиришни тавсия қиламиз, унга меҳнат шартномасини бекор қилиш муддатлари, тартиби ва асосларини қайд этиш лозим.

***Кечикишнинг ўзи нима? У ходимнинг айбисиз юз берганлигини (масалан, жамоат транспортининг ёмон ишлаши, шахсий автомобилнинг бузилиб қолганлиги, йўллардаги тирбандлик, об-ҳавонинг ёмонлиги ва ҳоказо) қандай қилиб исботлаш керак? 5 дақиқа ёки 30 дақиқа кечикиб келганлар бир хилда жазоланиши мумкинми?***

**А.Саидов, ёш мутахассис.**
**Тошкент шаҳри.**

# КЕЧИКИШ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҲИСОБЛАНАДИ

– Ҳа, иш берувчи ишга ҳар қандай кечикишни жазолашга ҳақли. Шуни айтиш лозимки, сиз санаб ўтган сабаблар узрли сабабларга кирмайди. Агар сиз айтиб ўтилган ҳолатлар эҳтимолини ҳисобга олиб, ишга вақтлироқ чиқсангиз уларни олдиндан билиш ва бунинг олдини олиш мумкин.

Ишга кечикишни ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини ишга ўз вақтида келмаслик билан бажармаслик сифатида баҳолаш керак. Чунончи, агар ички меҳнат тартиби қоидаларида соат 9.00 дан 18.00 гача иш вақти режими ва соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик танаффус белгиланган бўлса, ишга соат 9.05 да келиш кечикиш ҳисобланади. Кечикишни меҳнат интизомига риоя қилмаслик сифатида баҳолаш учун уни ходимнинг иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олиш табелида қайд этиш керак. Кечиккан ходимга жазо қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисида қарорни иш берувчи шахсан қабул қилади.

Хулосада шуни таъкидлаш лозимки, агар ички тартиб қоидаларида ишнинг бошланиш ва тугаш вақти кўрсатилган, ходимда эса бекор қилинмаган интизомий жазо бўлса, унинг узрли сабабларсиз ишга навбатдаги кечикиб келиши **меҳнат интизомини бузиш** деб баҳоланиши мумкин. Бу ҳолда унга нисбатан ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлик учун меҳнат шартномасини бекор қилишгача интизомий жазо қўлланиши мумкин *(Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 3-банди)*.

***«Кадрлар бўлими» рукнини эксперт-юристимиз Абдусалом* РИСҚУЛЛАЕВ *олиб боради.***

